

## СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ

**Саноат**

Фарзандларимизнинг яхши билим олиб, етук мутахассис бўлишлари учун барча шароитлар мавжуд. Айниқса коллежлардаги махсус хунар ўргатиш устaxonларидаги жиҳозларни кўрган ҳар қандай инсон ўқигача, илм олишга меҳри товланади.

Хаммамизга маълумки, бу йилги ўқув йили бошланишида Акмал Икромов туманида кўркам ва бежирим қилиб қурилган қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. Бу коллежнинг ва бошқа коллежларнинг устaxonлари учун «Подъёмник» хиссадорлик жамияти 11 миллион сўмликдан зиёд махсус столлар ишлаб чиқарди.

— Пойтахтимизда янги ўқув йилининг ўзида бир нечта коллежларнинг ишга тушиши бизларни кўп ишлагача даъват этди, — дейди мейлаш чеҳи ишчиси Иззатилла Отабоев. — Сабаби бу коллежларнинг деярли барчасида устачиликка ихтисослашган гуруҳлари мавжуд. Бу гуруҳларда махсус столлар бўлиши керак. Худди ана шундай столларни бежирим ва сифатли қилиб тайёрлаб беришни ҳозир ҳам давом эттиряпмиз.

**Дилобар МҮМИНОВА.**  
СУРАТДА: мейлаш чеҳи ишчиси Иззатилла Отабоев ва йиғувчи-чилангар Бахтиёр Аҳмадулловлар.  
Рустам Шарипов олган сурат.

## ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

**КЕЧА**

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳудудида хотира ёдгорлиги — Мотамсаро она ёдгорлигининг очилиш маросими бўлди. Бу — бизнинг тинч ва осуда дамларимиз учун ўз жонини аямаган ички ишлар ходимларига эҳтиром рамзидир.

Ёдгорлик очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг табрикомасини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири генерал-полковник Зокиржон Алматов ўқиб эшиттирди.

...Уларнинг аксарияти ҳали ўттиз баҳорга ҳам тулмаган эди. Жиноятчиларнинг қарҳули қўли аямаганлиги боисидан ҳаётдан бевақт кўз юмганларнинг мотамсаро оналари, рафикалари, сингиллари кўз ёшларининг чеку чегараси йўқ.

— Ҳозир қалбимдан кечаётган туйғулари сўз билан ифодалашга ожизман, — дейди хизмат вазифини бажарайётган пайтда ҳалок бўлган Давлат автомобиль назорати катта сержанти Маҳаммадjon Гиёсовнинг дилбанди Дилобар Раҳматова. — Мен кўз ёшларимдан уялмайман, чунки бошимизга тушган жудодлик нақадар оғирлиги бизга аён. Бироқ ўз хизмат бурчларини адо этаётган пайтда ўз жонларини аямаган ички ишлар ходимлари қатори менинг дилбандим ва бошқаларнинг хотираси жой-жойига қўйилаётганлигини кўрганда кўнглимиз таскин топади. Бу ёдгорлик уларнинг жасоратидан дарак бериб туради. Демак, ҳалок бўлганларнинг болалари ва уларнинг авлодлари — оталари ва боболари ўз умрларини бесамар кетказмаганликларини ёдда тутишадими...

Шу куну би ерга келганларнинг қалбидан ана шундай дил сўзлари ўтди. Ундан ташқари хотира ёдгорлигига келганлар ўзларининг хизматдош дўстларини хотирасини эслаб, ёдгорлик пойига гуллар қўйди. Ана шундай алвон чинигуллар генерал Ислам Сатторов номи битилган мрамор лавҳага ҳам қўйилди. Унинг рафикаси З. Сатторов умр йўлдошининг кеҳирган оғир кунларини ёдлайди. Энди эса Алишер ўзининг бобоси изидан болиб республика Ички ишлар вазирилик Академиясида таҳсил олмакда.

Ёдгорлик очилиш маросимида тўплаганлар бир дақиқа сукут сақлаб, ҳалок бўлганларнинг хотирасини ёдга олдилар.

Ёдгорлик очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, республика ва Тошкент шаҳар Ички ишлар органларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(Ўз муҳбиримиз).

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АЁЛЛАР ВА ҲУҚУҚ

**КЕЧА**

Тошкентда «Марказий Осийда аёллар ва ҳуқуқ» мавзудаги аёллар ҳуқуқи бўйича халқаро конференция ўз ишини ниҳоятсига етказди.

Темурийлар тарихи Давлат музейида уч кун мобайнида ўз ишини олиб бorgan бу халқаро конференцияни Америка Ҳуқуқшунослар Ассоциацияси АКШнинг Халқаро Тараққиёт бўйича агентлиги (ЮСАИД)нинг «Глобал» лойиҳаси билан биргаликда ўтказди. Унинг ишида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистондан келган нодавлат нотариот аёллар ташкилотларининг ҳуқуқшунос аёллари ва раҳбарлари иштирок этдилар.

Конференция кун тартибига қўйилган масалалар муҳокамасида Марказий Осий, АКШ ва Россиядан келган ҳуқуқ соҳасида...

(Ўз муҳбиримиз).

## Президент соврени учун

Авал хабар бериб ўтганимиздек, 22 октябрь кун Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврени учун кураш бўйича иккинчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Термизда «Аломиш» стадионига йиғилган 10 мингдан зиёд томошабин дунёнинг ўттиздан кўпроқ мамлакатидан юртимизга ташириб буюрган полвонларни сулдурас қарсақлар билан кутиб қадилар.

## ҲОЛИБ БЎЛГАН ПОЛВОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Халқаро турнирни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Хамидулла Кароматов маросимда сўзга чиқиб, миллий курашнинг обрўйи тобора ортиб, жуда киска муддат ичида бутун дунёга тан олинмишида аънаваный Президент кубоғи мусобақаларининг ўрни алоҳида эканини таъкидлади.

Мусобақа байроғини кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир Мухаммадиев кўтарганидан сўнг стадион узра давлатимиз мадҳияси янгради. Шундан сўнг мусобақа бош ҳаками — боливиялик Мигель Клауре турнир бошланганини эълон қилди. Кураш ташлаш натижасида жуфтликлар аниқланди. Шунини айтиш керакки, бу турнирда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир Мухаммадиев ўзини кўрсатди. У финалда польшалик полвон Павел Малавенец билан гиламга тушиб галабага эришди. Учтинчи ўрин учун кураш қозогистонлик 19 ёшли полвон Достон Пиримкулов япониялик Хироши Камимото ўртасида кечиди. Унда Достон галабага эришди.

Халқаро турнир ҳолибларга юртимизда ишлаб чиқарилаётган аҳойиб енгил — «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналари топширилди.

Кураш бўйича иккинчи Халқаро турнир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро кураш федерациясининг фахрий Президенти Ислам Каримов номига ташаккурнома йўллагилар.

(Ўз муҳбиримиз).

## «Оқишом» шарҳи

### ХОМ ХАЁЛГА ДУНЁ ТОР

Инсоният ўзи пайдо бўлганидан то шу давргача қандай ижобий натижаларга эришган бўлса, уларга тавақкур туйғулари эришган. Бу — яхши ният, юксак маънавий қийфага эга бўлган, ҳақ ва эҳсоният манфаатларини ҳамма нарсадан юқори деб биладиган, бутун ҳаёти ва фаолиятида шунга амал қиладиган инсонларга хос энг улғу фазилятлар...

Аммо минг афсуски, XX аср охирига келиб бorgan бу хаятнинг тинчлигини кўролмайдиган, қўпуровчилик, босқинчилик, талончилик билан янаша интиладиган террорчилар бутун жаҳонга ташвиш ортирадиган бўлиб қолди. Тарихда бирон ўғри, босмачи гуруҳ ўз қилмишлари билан умрининг охиригача бахтли ҳаёт кеҳирганини ким кўрган? Бемалол айтиш мумкинки, ҳеч ким кўрган эмас...

Чеченистон, Догистон ва умуман Шимолий Кавказ минтақасида аҳвол ҳамон танглигича қолмоқда. Россия Бош вазири Владимир Путин турли муносабатлар билан қишларда — «Чеченистондаги террорчилар охиригача йўқ қилиб ташланади. Уларга қарши уруш давом этади. Чеченистоннинг мақоми эса тинч музокаралар йўли билан ҳал этилади», деди. Чеченистон Президенти Аслан Масха-

дунинг Россия раҳбарияти билан учрашуви ҳақидаги тақлифлари амалга ошгани йўқ. Бу икки мамлакат муносабатлари танглигича қолмоқда. Бироқ бумбардимонларда террорчиларгина эмас, оддий халқ ўртасида ҳам қурбонлар бўлаётганини ҳар икки томон раҳбарлари очик айтмоқдалар. Чеченистондан қочиб кетётганлар сонини юз мингдан ошиб, қўшни Ингушетия иқтисодиётини қийнаб қўйди. Айрим қочқоларни эса Россиянинг турли томонларига бўлиб юборилиши ҳам айтилмоқда.

Россияда сайловолди ҳаракатлари нақадар қизиб кетгани ҳақида ҳар кун турли-туман маълумотлар эълон қилинмоқда. Уюшмалар, партиалар, блоклар сонини тобора кўпайиб, ўртадаги тортишувлар, рақобатлар кучайиб кетди. Шу оралада Югославия, Белоруссия билан бўлган муносабатлар ҳам жиддий муаммага айланиб кетган. Жумладан, Югославия ҳокимиятидан



## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАДИ

ахойиб спорт байрами билан кутлаган ҳолда мусобақаларини очиб деб эълон қилгач, барча йиғилганларни ҳаваскорлар халқаро бокс федерацияси (АИВА)нинг президенти, профессор Анавар Чаудри ҳам табриклади ва республикада спортни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга аталган махсус Кубок ва сертификатни топширди.

Сўнг Ўзбекистон бокс юлдузларини шарафлаш маросими ўтказилди. Рингдаги бекатор маҳорати учун жаҳон чемпиони деган улғу номини қўлга киритган ўғлонларимиз — Руфат Рисқиев, Артур Гиргорян, Мухаммадқодир Абдуллаев, Уткир Хайдаров ва бу йилги жаҳон чемпионатида кумуш нишонининг соҳибини бўлган Тўлқинбой Турғунюларга зар чопонлар кийгизилди.

Шунини қувонч билан таъкидлаш керакки, мусобақанинг дастлабки кунларида жами ўттиз беллашув ўтказилган бўлса, шуларнинг бештасида юртимиз вакиллари иштирок этишди. Бинобарин, ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари галабасини 67 килограмм вазнда хитойлик Чи Вансонини 10:4 ҳисобида енгган Сирождидин

Наимов бошлаб берди. 71 килограммга спортчилар ўртасида эса энг таъриблик спортчимиз — Осий чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Ербеков ҳам хитойлик Занг Зенни яққол устунлик орқали енгди.

Терма жамоасини аъзолари ўртасида энг чиройли галабага 91 килограммдан ортиқ вазнининг ўртасидаги бахсда Рустам Саидов эришди. У ҳужумкор рудда рақибини зарбалар «ёмғир»га дуч келтирган ҳолда хитойлик Маждийд устидан 15:8 ҳисобида устун келди. Шунингдек, Равакт Эралиев ва Тўлқинбой Турғунюлар ҳам ўз рақибларини доғда қолдиришди. Шундай қилиб, дастлабки беш учрашувларининг бештасида рақибларимизнинг галабаси билан тугади. Бугун ва эртага қолган етти нафар боксчимиз ҳам рингга чиқадими.

Бокс бўйича XX Осий чемпионатининг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов катнашди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**  
СУРАТЛАРДА: Осий чемпиони очилишидан лавҳалар.  
Нўмон Мухаммадҷонов олган суратлар.

## ЖАҲОНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизда иккинчи бўлиб давлатга 250 минг тонна «оқ олтин» топшириб, шартнома режасини шараф билан бажарган Самарқанд вилояти меҳнаткашларини меҳнатда эришган зафарлари билан кутлади.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг «Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси» экспертлар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида мамлакат Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига сайловлар бўйича навбатдаги вазифалар муҳокама этилди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида мамлакат Президенти, парламенти, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлажак сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнини адолатли, ошқора ва ҳолисона ёритишни таъминлаш мақсадида округ сайлов комиссиялари ҳузурда матбуот марказлари ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасида металл парчалари ва қора ҳамда рангли металл чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Сурхондарё вилоятидаги «Шароб» акциядорлик жамияти қошида винолар ишлаб чиқарадиган янги цех фойдаланишга топширилди.

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги йўлларда ҳаракатланувчи хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда учта масала кўрилди.

Кун тартибидеги биринчи масала юзасидан Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг 9 ойида йўлларда ҳаракатланувчи хавфсизлигини таъминлаш содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг таъминлаш ҳақида қилинган иш натижалари ва қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳамда учинчи масала бўйича давлат автокороналаридан транспорт воситаларининг 1999 йилги давлат йиллик техник кўригидан ўтказиш яқунлари ҳақида мутасаддилар ахборот беришди.

Шаҳримиздаги аҳоли гавжум жойларда ер ости йўлларда хайдовчиларнинг меъёрдан ортиқ даражада тезликни оширишлари хунук оқибатларга олиб келаётганини ва бунинг учун транспорт хайдовчиларига тегишли ўқув машғулоти йўлга қўйилгани ҳақида гапирди.

Шунингдек, мажлисда туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, автокорона раҳбарлари, халқ таълими бўлими мутасаддилари йўл ҳаракати хавфсизлигининг олдини олиш борасидаги ишлар ҳақида сўзга чиқиди.

Мажлис сўнгидеги давлат техник кўригидан муваффақиятли ўтиб, яхши натижаларни қўлга киритган «Тошшаҳарйўловитранс» давлат уюшмасига қарашли «Чуқурсой» очик турдаги хиссадорлик жамияти автокоронаси, 18-автотбус саройи, «Тошшаҳарюкстрас» концернига қарашли 2512-автотамланмалари кимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.



**Минг бир заҳмат билан ёзилган ушбу китобимиз Ватанига ва миллатига хизмат этишни мақсад қилиб қўйган ширин орзули ва пок наиятли тадбиркор кишиларга бағишлайман.**  
**МУАЛЛИФ.**

**МУАЛЛИФ ВА УНИНГ РОМАНИ ҲАҚИДА**

Мирвали Миргани Аъзам оз ва лекин соз ёзадиган адибларимиз сира-сига қиради. Мен бу киши ҳақида узоқ гапиришим мумкин. Чунки мен у кишини яхши танийман ва яхши биланман. Унинг болаларга атаб ёзган йигирмадан зиёд ҳикояларининг аксарияти бошланғич синф дарсликлари-дан жой олган. Бундан қарийб 25 йил муқаддам унинг ёш тўқимачи мутахассислар ҳаётидан олиб ёзган «Кундалиқдан саҳифа» номли ширингина бир қиссаси чоп этилган эди. Маълумоти бўйича муҳандис-технолог бўлганлиги боис Мирвали Миргани Аъзам тўқимачилар ҳаётини яхши билган. Шу сабабли китоб жамоатчилик томонидан илқ қўтиб олинган-ди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бирга ишлашган давримизда Мирвали Миргани Аъзам публицистика соҳасида анча танилиб қолган бир пайтда йирик асарга қўл урди. Ва кўп ўтмай «Маҳбубамга мактублар» номли романини ёзиб тугатди.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин тадбиркорлик фаолиятига ҳам кенг йўللари очилди. Ёзувчи Мирвали Миргани Аъзамнинг тадбиркорлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Кулоқ қилинган бойнинг фарзанди» деб аталувчи асарининг яратилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ушбу китоб ҳозирда фақат Тошкентда эмас, балки республикада ҳам кенг танилган «Кари-

**ма» хусусий фирмасининг раҳбари Хайруллох Мўминнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.**

Ўйлаймизки, «Оқшом» муштарийлари бугун уларнинг эътиборига ҳавола этилаётган янги романдан болаларни ҳайрихоҳлик билан кутиб оладилар.

**Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

— Хей, бола, кимнинг ўғлисан? Айтардик, фалончи хотиннинг деб.  
— Фалончи хотиннинг? Нима, даданг йўқми? Дадангнинг кимлигини билмайсанми?  
— Йўқ, — дердик бошимизни сарак-сарак қилиб.  
Хайрон бўлиб жим қолишарди-да, кейин яна сўрашарди:  
— Урушда ўлганми?

Ўзингиз хал қилинг. Кичик эмассиз...  
Муаллимларимиз оналаримизга жўр бўлишди:  
— Оқ йўл сизларга! Оқ йўл!...  
Хар ёқ томонга учиб кетдик. Учирма бўлган қўшлар каби...  
Завод-фабрикаларнинг эшиклари бизлар учун очик эди. Ишладик.  
Нима қиламиз беркитиб, айримларимиз ҳатто ҳаммолчилик қилдик. Яъни юкчи бўлиб ишладик...  
Биз ҳеч қачон унутмаймиз: биринчи маошимиздан оналаримизга атаб у-бу нарса олиб борганимизда, уларнинг қувончини. Кўни-кўшилларга мактуби:  
— Қаранглр, манавини қаранглр! Ўғлим келтирибди менга! — деб юришларини...  
Ўшанда бизнинг бошимиз кўкларга етди. Меҳнатга, касбга меҳр қўйдик. Шунда бирданга олдимизда бир қатор жумбоқлар кўндаланг бўлиб қолди.  
«Меҳнат — ҳаммани хушнуд қиларкан. Қувонч келтирар экан, қувонч. Демак — уни улуғлаш керак. Меҳнатимиз унумдорлигини ошириш керак. Қандай қилиб? Биздан нима лозим?»...  
Бу жумбоқларни ечиш учун ўқиш даркор бўлиб қолди... Ўқишга кирдик... Сал кам беш йил ўқидик. Назарияларимиз бойиди бизнинг. Дунёқарашларимиз айртан гапларини дилимизга жо қилиб олдик. Улар шундай дейишганди:  
— Мана, кўп ўтмай сизлар, мамлакатимизнинг хар ёқ томонларига учиб кетасизлар. Олган билимларингизни ҳаётга татбиқ этасизлар. Амминиз, қийинчиликлар кўп бўлади. Лекин кўнглимиз хотиржам. Сизлардан умидимиз катта... Меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдамнингиз тегади деб ўйлаймиз. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун, тўғри, қўл меҳнатини йўқ қилиш керак, машиналарни автоматлаштириш лозим... Ва лекин, аввал, шуни билиб қўйинг: меҳнат унумдорлигини ошириш учун, меҳнат қилаётган кишиларни кадрлаш, кадрлаш ва яна кадрлаш зарур!...

**(Давоми 4-бетда).**



◆ Ўзгаларга азоб-уқубат ўтказувчи киши ўзи ҳам жазосиз қолмайди. Ўзгаларга сабабсиз зулм қилиш оқибати ҳалокатдир. Куйидаги ҳикоят бунинг мисолидир.

ХИКОЯТ. Бир овчи дарахтда ўтирган кабутарни милтқиб билан отмоқчи бўлиб нишонга олди. Буни сезган кабутар қўрққанидан жойида қотиб қолди ва ўлим аниқ эканини сезиб, жонидан умид узди. Овчи энди милтқиб тепкисини босмоқчи эди, овғи остида турган илон ўз жонидан қўрқиб, овчининг овғини чақди. Овчи ўша ондаёқ йиқилиб қолди. Фурсатни ганимат билган кабутар парвоз қилиб қочиб қолди.

◆ Инсон учун озодлик энг қимматбаҳо бойлик ва турганмас хазинадир. Дунёнинг алвон ноз-неъматларига учиб, ўз озодлигидан фақат аҳмоқ одамларгина кечадилар. Фаму кулфат ва қийинчиликдаги озодлик кул бўлиб, роҳатда яшагандан кўра минг марта афзалдир. Чунончи, бу ҳақда шундай ҳикоятни келтирадилар.

Очликдан нимжон ҳолга тушиб, ниҳоятда хунқуллашиб кетган бўри қироили ва семиз итга дуч келиб қолди. Бўри итдан: «Бундай ёқимли ҳолга қандай қилиб эришдинг?» деб сўради: Ит унга: «Мен хожамнинг уйига ўрғилар келмаслиги учун кеча-кундуз посбонлик қиламан. Бунинг эвазига хожам лавиз таом, ширин сув ва дилқушо макон берган. Агар сен ҳам мён билан бориб хизмат қилсанг, хожам хизматингни ерда қўймайди!» деди. Бўри уни сўзини қабул қилди ва хар иккиси йўлга тушди. Тасодифан бўрининг кўзи ит гарданидаги тасмага тушиб қолди ва сўради: «Бўйнингдаги нима?». Ит унга: «Хожам бўйингга занжир осиб учун бу тасманни боғлаб қўйган!» деб жавоб берди. Бўри тавба қилиб деди: «Агар у ерда занжир бўлса, қас, мен бормайман ва ярашнинг ўзгача йўлини қидираман! Бир умрлик озодлигимни бир бурда нонга сотмайман!»

Бўри шундай деб ўз йўлига равона бўлди.

**Ғулом Муҳаммад ВОСИФ.**

◆ Эй ўғил! Бу дунё корхонасида шундай йўл тутки, кийган кийиминг ва еган овқатинг ҳалолдан бўлсин.

Ер юзиде шундай яшагча уринки, топган маошинг фақат тўғрилик орқали топилган бўлсин.

Жигаринг қонидан нон топиб е, аммо текин нон учун дарбадар ит каби бировларнинг эшигига ялиниборма.

Биз учун куйидагича йўл тутиш энг муносиб иш ва шунга амал қилиш энг қўлғул йўлдир.

Агар сен бирор амалга минсангу, золим бўлсанг, демек, халқ қўй-у, сен бўри бўласан. Душманларинг жонингга қасд этади ва андак замонда сени ҳалок қилади.

Агар сен пасткаш одамлардан ҳам пастроқ бўлсанг, у пайтда ўзингга ўхшаганлар қўли остида хор бўласан.

Агар сен илм билан машхур бўлсанг, барча олам аҳлига муқаррам бўласан. Одамларга таъзим қилишдан бўйин товлама, такаббурлик йўлига кириб қолишдан эҳтиёт бўл.

Сен одамлар билан шундай муомалада бўлки, токи улар сени жон-дилдан севиб қолсинлар.

◆ Хушмуомалалилик билан одамларнинг юрагига кириш ва катта-кичикни ром этиш мумкин.

◆ Бемаъни сўзлар билан озингни булғам, ҳаммиша сермаъно сўзлар айтишга урин.

Ўтириш ва йиғилишларда сўзни чўзма, одамларнинг бошини лақмалик билан огритишдан эҳтиёт бўл.

**Абдибек ШЕРОЗИЙ.**

◆ Ҳақимларнинг айтишича, одамлар уч гуруҳга, яъни ақллиларга, ярим ақллиларга ва нодонларга бўлинадилар. Ақлли шундай кишики, бирор воқеа юз бермасдан аввал ундан қутулиш йўлини ва тадбирини ўйлаб иш тутати, одамлар охирида қиладиган ишни у аввал қилиб қўяди. Ярим ёки ўртача ақллилар шундай кишиларки, бирор ҳодиса юз берса, ўзларини йўқотмайдилар, ундан қутулиш чорасини қидирадилар ва шу тўфайли бу бало домидан озодликка эришадилар. Нодон шундай кишики, бирор воқеа юз берса ўзларини йўқотиб қўядилар, унинг чора-тадбирини қидириш ўрнига доду вой қилиш билан чегараланадилар.

◆ Қадим доноларнинг сўзларича, уч кишининг қўполлигини маъзур тутмоқ лозим: биринчи — очнинг, иккинчи — касалнинг, учинчи — мусофирнинг.

**«Қачқўли султон»дан.**

◆ Одамлар сўз ва феълларига қараб тўрт қисмга бўлинадилар. Биринчи қисми, бир нарсани гапирса-да аммо ўзи қилмайди. Бу мунофиқлик ва ҳасислик аломатидир. Иккинчи қисми, бир нарсани ҳам айтади, ҳам ўзи бажаради. Бу виждонли одамлар одатидир. Учунчи қисми, ҳеч нарса айтмайди, аммо бажаради. Бу мард одамлар тоифасидир. Тўртинчи қисми эса гапирмайди ҳам, ҳеч нарса қилмайди ҳам. Бу энг пасткаш одамлар хислатидир.

◆ Табибдан сир яширган киши ўзига хиёнат қилган бўлади.

◆ Замона талабига тескари юрган одам сув ичидан олов қидирган одамга ўхшайди.

◆ Қорин емоқдан завқ олади, ақл эса илмдан.

**«Мебояд дид»дан.**

**Форс, араб тилларидан**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**

**Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун**

**Мирвали Миргани АЪЗАМ**

**КУЛОҚ ҚИЛИНГАН БОЙНИНГ ФАРЗАНДИ**  
**(Романдан парча)**

**МУҚАДДИМА ЎРНИДА**

Яқингинада биз бола эдик.  
— Шамо-о-о-ол, бағринга камо-о-ол, меннинг варрагимни олиб ке-е-е-е-ет! — деб баҳор шабодасига наво айтардик...  
Яқингинада биз бола эдик.  
— Ҳақкалакам, дуккалакам, ҳа-а, зу-у-у-у-у, — деб чиллак ўйнардик.  
Байрам арафаларида оналаримизнинг олдига келиб тўполон қилардик:  
— Менга ботинка олиб берасизми, йўқми?! Ботинка олиб берасизми, йўқми? Кейин бирдан жим бўлиб қолардик. Негаки, уларнинг чехралари ўзгариб кетарди, кўзлари йилтилармиди-ей...  
Индамасдан бурилиб кетардик-да, ўзимиз яхши кўрган йўғон ёнғоқнинг пастки бутোগига ўтириб олардик. Оёғимизни лиқиллатиб, хуштак чалардик...  
Яқингинада бир хил одамлар бизлардан сўрашарди:

Оғир хўрсиниб индамасдик.  
— Ҳмм, — деб қўйшарди шунда улар пешоналарини тириштиришиб...  
Яқингинада биз қарқунотларнинг орқаларидан «Ких, қих!» деб юрардик...  
Яқингинада...  
Кейин ўсдик, улғайдик. Елка қўйдик. Овозларимиз дўриллашиб қолди. Иссиқ ёз кунлари кўлга чўмилишга борганда қизларнинг олдида ўтишга ййманадиган бўлиб қолдик.  
Лекингина ўзимиз ҳеч тушунолмасдик, авваллари ўтиб кета берардик-ку, нега энди ўтолмаймиз, нега?

Кейин белисак, ййгитлик боғининг дарвозасига келиб қолган эканмиз. Етуқлик аттестати қўлимизга тегай деб турган экан... Ниҳоят, теғди ҳам. Шунда оналаримиз елкаларимиздан кучиб оқ фотиҳа беришар экан, айтишди:

— Биз сизларни ўстирдик, вояга етказдик. Оёққа тургаздик. Энди буёғини

Юртимизда истиқлол шабадаси эса бошлаган кезларда Абдуқаҳҳор ака оташин мақолалари билан майдонга чиқди. Ўзбек тилига Давлат мақоми берилишини ёқлаб қилинган ҳаракатларни эсланг. Абдуқаҳҳор ака бу мавзуда ўнлаб доллар мақолалар ёзди. Уларда ўзбек тилининг маъқенини мустаҳкамлаш, тозаланини сақлаш, ривожланиши учун давлат миқёсида гам-хўрлик кўрсатиш лозимлиги, энг юқори мансабдордан тортиб, олдий уй бекасигача тилимиз учун масъул эканлиги куюн-чаклик билан тарғиб қи-

Унинг «Биринчи бўса» драматизи шов-шувлар билан кутиб олинганини кўпчилик яхши билади. Ёшлар ўртасидаги самимий муҳаббат туйғулари қуйланган, поки-залик, ҳалоллик улуғланган бу асар бир қанча халқларнинг тилларига таржима қилинди ва саҳналаштирилди. Илк ижодий ютуқдан руҳланган адиб навбатдаги «Зўлди» ҳажвий комедияси билан яна бир ижодий до-вонга кўтарилди. Мансабпа-растлик, тўрачилик, бюрок-ратлик иллоти фош этилган бу асар ҳам томошабинга манзур бўлди. Драмадаги бош қаҳрамон Мерос Во-рисов мансабдан-мансабга зўл-

қиллатган шўро тузуми ҳам, унинг коммунистик ақидалари-ю, маддоҳ ҳи-моячилари ҳам инқироз-га учради. Жамиятдаги соғлом кучлар уларни та-рих саҳнасида улоқтириб юборганини мустақил республикамиз мисолида кўриб турибмиз.  
Ҳамза театрининг етакчи артистлари ишти-рокида саҳналаштирилган бу теран мазмунли асар жиддий таҳлиллар учун асос бўлади.  
Абдуқаҳҳор ака кейин-ги йилларда маънавий-ақ-лоқий қарашлари кент акс-этирилган «Уйку келмас-кечалар» романи устида



Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Абу Райҳон Беруний номили ўрта мактаб қошида фаолият юритаётган «Ёш сандиқчи» тўрагагида иқтидорли ўқувчилар дарсдан сўнг қатнашиб, нақшинкор сандиқчалар ясаш сирларини ўрганиш-моқда. Уларга бундай ажойиб сандиқчалар ясашни тажрибали уста Ҳожимурод Ҳошимов сидқидилдан ўргатмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** уста Ҳожимурод Ҳошимов шогирдлари даврасида; ёш у-саталар иш устида.



Иқтидорли ўқувчи ёшлар маънавий камолотини ўстиришга қаратилган маърифий тадбирлар ўз иж-обий самарасини бермоқда. «Олий ўқув юр-тиларида иқтидорли талабаларни аниқлаш ва ўқитиш ус-лу-биети» деб номланган қўлланманинг яратилиши ҳам бу борада муҳим амалий аҳамият касб этди.

Республика Олий ва ўрта махсус мактаб муаммо-лари институту томонидан босмага тайёрланган маз-кур қўлланмада толиби илмлар билан таълимий ишларни олиб боришда қўл келади.

Институтнинг ижодий гу-руҳи ҳозир «Иқтидорли та-лаба» деган номдаги дастур лойиҳаси устида ҳам иш-ла-моқда. Ушбу йўриқнома ҳам чоп этилиб, олий ўқув юр-ти-ларига тарқатилди.

Олий ўқув юртилари би-ти-рувчиларида ташкилотчи-лик ва бошқарувчилик қо-

**Таълим**

**ЁШЛАРНИНГ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА**

мақсадда институт муал-ли-флар ва экспертлар гу-руҳини ҳам белгилади.

Иқтидорли ёшларнинг пухта билим олишлари ва маънавий камолотини таъминлаш бўйича институт яна қатор вазифаларни ўз ол-ди-га мақсад қилиб қўйди.

Олий ва ўрта махсус таъ-лим вазирилик томонидан тасдиқланган гуманитар, иж-

**Дил изҳори**



**ҲАЁТ СИНОВИ**

**Таниқли драматург ва мақоланавис адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимов 60 ёшга тўлди. Ҳозирги кунда бу ёшга кириш унча ҳайратланарли нарса эмас. Аммо уни мазмунли, самарали ўтказиш, йилларни шамолга со-вурмасдан яхшиликка, эзгуликка сарфлаш қийин иш. Айниқса, бугунги ўтиш даврида ижодкорлар, фидойи инсонлар сараланади, ҳаёт синовидан ўтади...**

линди. Кейинчалик адиб бу мақолаларини «Тил ва дил» китобида жамлади. Ватанимизнинг порлоқ ўтмиши, давлатчилигимиз тарихи, маданий-маъна-вий анъаналаримиз, қад-риятларимиз ҳақида ҳам Абдуқаҳҳор ака кўп мақо-лолар ёзди. Жумладан, Ватан, Турон, Туркистон, Ўзбекистон, Муқаддас кал-лом, оила, тарбия, маъна-вият, маданият, демокра-тия каби тўшунчалар мо-ҳиятини кенг ҳалқ омма-сига содда ва равоқ тилда баён қилиб берди.

Аслида Абдуқаҳҳор ака машхур мақоланавис (пу-блицист) бўлиб ном қозон-гунча ҳам элга танилган драматург ва ҳикоянавис эди. Унинг «Қоя остида» деб номланган илк ҳикоя-лар тўплами рамзий-маж-озий образлар асосига ку-рилганлиги. Зўравонлик асо-сида юзага келтирилган, сохта, ёт нарсалар емири-либ, йўқ бўлиб кетишига ишонч бу ҳикояларга ало-ҳида нур бағишлаб тура-ди. «Осмон яқин, ер ю-мош» ҳикоялар тўплами-да эса халқимизнинг аза-лий урф-одатлари, ода-мийлиги, меҳр-оқибати, саховати улуғланади. Ёзу-вчи ўзига таниш, болали-гидан қадрдон кишилар-нинг сиймосини жонлан-тиради, ўзбек маҳалла-лари, шаҳар турмушига хос лавҳаларни меҳр билан тасвирлайди. Аслида бу йилларда Абдуқаҳҳор ака-га драматик асарлари кўп-роқ шуҳрат келтирган эди.

дир каби думалаб юради. Унда на билим, на малака бор. Лекин қайси иш топширил-са, «Бажарамиз» деб югуриб кетаверади. Қарерга борса, шу жойдаги ишни барбод қила-ди. Аммо юқори мансабдаги ҳомийлари, суянчиқлари ту-файли яна янги бир ташки-лотга бошлиқ қилиб тайин-ланаверади. Саҳналан-саҳна-га ўтган сари Мерос Во-рисовнинг билимсизлиги, маънавий қашшоқлиги оч-илиб боради. Драматург бун-дай «сирти ялтироқ, ичи қал-тироқ» кишиларнинг кирди-корлари жамият учун ни-ҳоятда зарарли эканини санъаткорона фош этади.

«Зўлди»да кўтарилган маънавий-ақлоқий масала-лар драматургининг навбатда-ги «Пўч» («Некролог») дра-масида ҳам давом эттирилди. Асар қаҳрамони Тўлаган академик, илмда катта ма-вқеа эгалланган киши. Аммо у ниҳоятда маънавий қашшоқ, атрофига нуқул лаганбардор, итояттўйларни тўплаб олган, шогирдларининг ҳаммаси унинг хар қандай хоҳиш-ис-тагини қўлоқ қоқмай бажар-адиган югурлак кимсалар. Тўлаган ва ҳамтовоқлари маънавий жиҳатдан ўта пуч одамлардир. Драматург ана шу тубанлашиб кетган ки-шиларнинг хилма-хил образ-ларини яратиб орқали улар-ни еттиштирган муҳит, собиқ шўро тузумининг асослари пучлиги, ўткинчилигига ур-луғ беради. Асар катта фош қилувчи руҳга эга. Драма-тур-гининг асарда илгари сурган бошқорати амалга ошиди, пуч го-ялар орқали оммани ла-

ишлади. Тижорат восита-сида пул топаман деб ша-рм-ҳаёни, ўзбекона одат-ларни унутиб қўяётган айрим аёлларнинг янч қисмати бу романда ма-ҳорат билан тасвирланди.

Адиб қайноқ самарали ижод билан ҳаммиша банд. Шу кунларда «Шарқ» нашриёт-мағбаа концер-нида унинг «Биз ким, ўз-беклар» номли тарихий-бадний мақолалар тўпла-ми босилиб чиқди. Халқ-қимизнинг олис тарихига доир лавҳалардан иборат бу янги асар ҳам ўз мух-лислари юрагига етиб бо-ради деб умид қиламиз.

Абдуқаҳҳор ака билан Хумсон тоғларидаги тор сўмоқларда, Утом бўйла-рида, Тошкент хиёбонла-рида, Эски шаҳар кўчалари-да кўп суҳбатлашиб юр-ганмиз. Қарангки, асарни баҳасларимиз, гап-сўзлари-миз ва орзу-армонларимиз ўзбек халқи тарихини тўғ-ри ёритиш ва эл-юрт ке-лажаги, истиқболга ке-либ тақалаверарди. Ана шу ширин хаёлларимиз, эзгу орзуларимиз бугун ҳақиқатга айлангани учун Оллоҳга оинат қатла шу-қроналар айтаман.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов ҳақида яна кўп гаплар ай-тиш, асарларини таҳлил этиш мумкин. Ҳозирча гапни мухтасар қилиб, алибини муборак ёши билан барча муҳлислар но-мидан табриклиман. Ум-рингиз узоқ бўлсин, азиз Абдуқаҳҳор ака!  
**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ.**

Давоми. Боши 3-бетда.

Уйлаганим: «Албатта шундай қиламиз. Борган ишхонамизда ишнинг унумдорлиги ошади. Ишчилар ҳам, ишхонанинг раҳбарлари ҳам хурсанд бўлишади. Улар билан дўст бўлиб кетамиз. Эҳ-х!» — деб... Лекин ҳаёт мураккаб экан...

ТАНИШУВ

Бизнинг ўзбек халқи жуда ажойиб-да! Ниҳоятда меҳнаткаш, ниҳоятда меҳмондўст, ўзи эмаса емайдики, лекин меҳмонга едиради. Қўли очик халқ. Бир нарсага юраги ачиса, охириги жамғармасини сарф қилиб юборади. Иннайки, ниҳоятда хушчақчақ. Бошқа халқларда мен кўрмадим, аммо бизда аския деган нарса бор. Шундай қочирим гаплар қилади, эшитиб қотиб-қотиб қуласиз. Лекин ҳар тўққизда бир айб деганларидек, ўзбек халқи ниҳоятда миш-миш тарқатади уста. Бирор бир воқеани эшитиб қўлуидай бўлса, ёнига бир нарсалар қўлиб: «Эшитдингизми, ушанақа эмиш-а?»... деб туради.

Мана, сизга бўлиб ўтган бир воқеани айтиб берай. Энди, Оллоҳнинг иродаси деймизми, билмадим, ҳар қалай ҳозир Тошкентда кундан-кунга машҳур бўлиб бораётган «КАРИМА» хусусий фирмаси ҳақида ёзишни орзу этиб қолдим. Орзунни амалга ошириш қийин нарса. Унга ҳам сабр-қаноат керак. Вақт топиш керак. Ўзи бўладими? Дастлаб «КАРИМА» хусусий фирмаси ҳақида ТошМИ шифохонасида эшитганман.

1996 йиллар чамаси эди. Апрель-май ойлари. Табиат ажиб бир латофатга кирган пайт. Дарахлар бамисоли ёш келинчақлар каби турли-туман кишини лол қолдирувчи ажиб чечакларга безанган... Палатамизда уч киши ётардик.

Бир кун нимаям бўлди-ю гап дори-дармонлар ҳақида кетди. Бухоронинг Олот туманидан келиб ётган бир бемор менга шундай деб қолди:

— Мана, сиз, тушунган одамсиз, сизга гапирса бўлади. Ман уруш иштирокчисман. Менга бу ердаги ҳамма нарса текин

бўлиши керак. Аммо доктор айтабди, ундай имтиёзлар ҳозир бекор қилинган, энди манави тайин этилган дори-дармонларни ўзингиз олиб келмасангиз бўлмайди, деб, мана, бир қозғога ёзиб берди. «КАПО-ТЕН» олинг дейди. «МОНОСАН» олинг дейди. Шу яқин атрофда «КАРИМА» шифохонаси бор экан. Ушанинг дорихонасидан олинг, дейишди. Шу дориларни текинга берармикан? Нима деб ўйлайсиз? — Тўғриси, бунақа нарсага ишим туш-

«КАРИМА» хусусий фирмасига бордингизми? — Э, биродар, нима қиламан бори! Одамлардан эшитдим, шунинг ўзи кифоя. Шамол бўлмаса дарахнинг учи қимирламайди, деганлар-ку... Бунинг бутун ҳаётимиз давомида кўриб келаётганимиз... Хайриятки, шу пайт эшик очилиб, палатага доктор кириб келди. Сўхбат ўзидан бўлинди.

ҚУЛОҚ ҚИЛИНГАН БОЙНИНГ ФАРЗАНДИ (Романдан парча)

ган эмас, билмайман, — дедим. Сўхбатимизга палатамизга яқинда келган семиз бир кўшнимиз қўшилди.

— Ҳечам у «КАРИМА»га бора кўрманг?! — Нера?

— Борсангиз терингизни шилиб олади. Хусусий фирмаларнинг қанақалигини билмайсизми?! У пишиллаб, олдидаги катта полиэтилен идишдан вишиллатиб пиласига минерал сув қуйди. Кейин уни икки шимиришдаёқ йўқ қилди. — Доктор айтади, ичимлик сув ичманг, дейди. Мен нима чанқаб ўлишим керакми?! Буларнинг топиб олган гапи, уни еманг, буни ичманг... Хўш, — деб гулдурос олқишлар билан бир кечирди. — Ана, бироз енгил тортидим. Нима деяётгандим? Ҳа, «КАРИМА» хусусий фирмаси ҳақида гапирётгандим. Одамларнинг айтишича, бир олчақ одам шу фирмани очган экан. Тагин уялмасдан отини қўйиб олганини қаранг. «КАРИМА» эмиш...

— Кечирасиз, тақсир, исмингиз нимаиди? — Маҳмудхон. — Маҳмудхон ака, шахсан ўзингиз шу

Кўрик давомида фурсат топиб, доктордан сўрадим: — Кечирасиз, доктор ака, «КАРИМА» хусусий фирмаси ҳақида эшитганмисиз? — Ҳа, эшитдим. Нимаиди? — Ҳўжайинини танийсизми? — Афсуски, йўқ. Айтишларича, бир доктор хотин очган эмиш...

Докторнинг гапи бироз ҳақиқатга яқинроқ келгандай бўлди. Кейин уни икки фирма билан танишиб қўярман, деб дилимга тугиб қўйдим. Кейин бошқа ишлар чиқиб қолиб, бу нарса ҳаёдан бироз кўтарилди. Орадан ойлар эмас, йиллар ўтиб кетди.

Юрак хасталиги анча жиддий касалликлардан ҳисобланса керакки, мени Кардиология илмий-тадқиқот институтига бириктириб қўйишди. Ҳамиша докторнинг назорати остида юраман. Гоҳида ойда икки марта, гоҳида ундан кўп — доктор фалон кунини ва соатни тайин этади, қориб тураман. Ҳар хил жиҳозлар ёрдамида текшириб туради. Дори-дармонларни энди бу шаклда ичасиз, деб кўрсатмалар беради. Лекин ҳар сафар докторга борга-

нимда ва уйдан қайтаётганимда автобусда «КАРИМА» шифохонасининг олдида ўтиб кетаман. Ва ҳар сафар, шу фирма билан танишмадимда, деб ўзимни-ўзим уришиб қўйган бўламан. Бир кун қизиқ бўлди. ТошМИга яқин бўлган кўчанинг муолишида автомашиналар тузатадиган бир устахона очилди. Устахонанинг пештоқига «КАРИМА» хусусий фирмаси» деб ёзиб қўйишди. Бундан кўп ажабландим.

«Хўп ажиб фирма эканими? Фаолияти кўп қирралли шекилли...» Кечқурун шу фикримни хотинга айтдим. Хотинлар гапнинг ини бўлади, деб бежиз айтишмаган.

— Вой, сиз эшитмаганмисиз, — деб қолди хотин. — Ҳа-а, бечора эргинаман... Докторга боради-келади. Кўргани китоб. Қачон қараса, машинасини тикиллатгани-тикиллатган. Езган нарасини газета-журналларга олиб боради. «Ҳа, нарсангиз ўтдимиз десам, э-э, қисқартириб берман, дейди. «Йўқ» деб, қайтиб келдим, деб менга ҳансираб-ҳансираб ҳасратини айтади. Бошқа нарсдан хабари йўқ...

— Нимадан хабарим йўқ? — дедим ҳайрон бўлиб. — «КАРИМА» фирмасидан. — Нега хабарим бўлмасин. Хабарим бор. Яхши шифохона очган дейишди. Ёнида дорихонаси бор. Мана, энди, устахона очибди. Ёмонми?

— Мен сизга ёмон деяётганим йўқ. Лекин фирмани ким очган, биласизми? Билмайсиз. Мен эсам — биладим.

— Қаёқдан биласиз? — Бизнинг ишхонадаги хотинлар биласизми, ернинг тагида илон қимирлаётганини билди. Ушалар айтишди.

— Қани, бўлмаса биз ҳам эштайлик... — Мана шу Аллонда-чи, Қарима исми эйр бир доктор бор экан.

— Чигатоидами? — Ҳа-да! — Хўш?... — Энди, ўзим-чи, кетворган дейишябди...

— Неча ашар экан? — Ҳа-а, жон қирмай қолсин... Ҳамма эркаклар шу.

(Давоми бор).



Болаликнинг қувноқ онлари. Равиль Альбеков олган сурат-лавҳаси.

Қадимий ва бой тарихга эга Бухоро, Самарқанд, Хива, Кўқон, Тошкент, Шахрисабз шаҳарлари ўзининг ноёб ёдгорликларини, гўзаллигини ва нафосатини билан жаҳонга маъруза ва машҳурдир.

Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси, Улугбек, Шердор ва Тиллақорни мадрасалари, Улугбек расадхонаси, Бухородаги Мир Араб, Улугбек, Девонбеги мадрасалари, Исмоил Сомоний мақбараси, Шахрисабздаги Оқ Сарой, Хивадаги Исмолқўжа мадрасаси ва минораси, Тошкентдаги Кўқалдош мадрасаси қадим меъморчиликнинг ёдгорликларини неча асарлар ўтмишидан ҳикоя қилади. Ноёб меъморчилик ёдгорликларининг ҳар бир гийшига ижодкор халқимизнинг иқтидори, қалб қўри, кўз нури синиб кетган. Қадимий ёдгорликларнинг пештоқи, сиркор девори ва эшикларига ўйиб битилган арабча тош йилномалар, ривоятлар, қўшиқлар, ҳикматли сўзлар беихтиёр киши диққатини ўзига тортади. Бу ҳақда германиялик олим Вольфганг Шлотман Кайц шундай дейди:

«Хива — Ўзбекистон фахри. Бу ажойиб шаҳарга таширф буюрганлар бир-бирига тутшиб кетган ёдгорликлар ансамблини кўриб, ўзини мўъжизалар орасида, эртақлар диёрида хис қилади. Мен тилшунос олим сифатида бу ердаги ҳар бир обида, ҳар бир устун тош, йўлбошловчиларнинг изоҳларисиз ҳам ўтмишдан ҳикоялар айтиб беришига аминман».

Ҳа, меъморчилик — даврлар солномасидир. Ҳар бир обида ва ундаги нодир ёзувлар муайян тарихий бир даврни таърифлаб берувчи қасидадир. Шунингдек, Бухородаги Қорахоний Арслонхон замонидан 1127 йилда қурилган Катта Минорада, 1108—1109 йилларда қурилган Жаркўрғон минораси XVII асрда Самарқанд шаҳри атрофида қурилган Абди Бирун хонақоси, Шердор мадрасаси, Гўри Амир мақбараси, Шохизинда ансамбли, Шахрисабздаги Оқ Сарой деворларига битилган ёзувларда ҳам кўп ҳикматлар, ноёб тарих акс эттирилган.

Самарқандда 1417—1420 йилларда қурилган Улугбек мадрасасининг ёзги биносининг фарб томонида жойлашган дарсхона деворига қуйидаги сўзлар ёзилган: «Хоконларнинг иззатлиси, буюк давлат билан илм-маърифат тарқатишни қўшиб бошқаруви, бошқа подшоҳлардан ҳайбат илмларининг хусусиятлари билан имтиёзланган ва дин-миллат ва адолат, тўғри-ишларнинг ҳомийиси Султон Улугбек бин Амир Кабир Темур Кўрагон ишларини икки дунёнинг юксак мартабалирига кўтарсин ва олам аҳлига марҳамат ва яхшилигини кўпайтирсин. Ҳижрий 822».

Иккинчи қаторида эса: «Султонлар улғунинг топшириғига биноан бу суна тозалик ва равшанликда жаннат супаларининг шаклида бино қилинган ва унинг зеб-зийнатда хашаматли ажойиб биноси ва саҳллари унга келувчи ҳар бир илм-маърифат талласи учун бағишланган динда фойдалари илмларнинг ҳақиқатини бир-бирлари билан муҳокама қилишадилар». XIV асрга оид Термизий мақбарасининг тошга Али Ҳаким Термизийнинг қуйидаги қисқача таржимаи ҳоли ёзилган ва улар арабчадан ўзбекчага профессор М. Муродов ва меъмор О. Зайниддиновлар томонидан тар-

жима қилинган. «Али Ҳаким Термизий, тангри унга раҳм қилсин, бу киши улкан кишиларнинг унвонларидан, олимларнинг ҳожаларидан, узун тиллик машҳур китоблар муаллифи, олий шаҳодатномаларга эга. «Жомеъ уч — Саҳих» китобининг муаллифи, Абу Абдулло Исмоил Бухорийнинг баъзи устодларига дарсларда шерик бўлган. Муҳажқиқ олимларнинг баъзиларида ўқиб олим бўлган, тангри уларга раҳм қилсин. Икки юз эллик бешинчи ҳижрий йилда вафот этган. Мақбара буюк соҳибқирон Амир Темур томонидан XIV асрда таъмир этилган».

Мирзо Улугбек томонидан 1417 йили Бухорода қурилган мадраса пештоқида эса «Билмига интилий ҳар бир мусулмон эркак ва аёлларнинг бурчидир», — деган сўзлар ёзилган. Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Ясавий Хонақосидан Шайх жасади қўйилган қабрхона эшиги тепасига.

«Бу Сайид боғини қуришга улуг жаҳонгир, бутун олам соҳиб Аллоҳнинг сукули фарзанди Амир Темур фатво берган. У амир Тарағай ўғли, у амир

милодий) йилда Султония шаҳрида туғилди ва 810 ҳижрий (1408 милодий) йилнинг Зулҳижжа ойида Самарқанд доруломонида хилофат мустақиллигига эришди. Ва Аллоҳнинг иродаси ила «ҳар ким буюрилганча сузади» дейилганидек, унинг ҳаёти муддати ниҳосига етган ва қозову вақти келгач, ўғли қарши чиқиб, ханжар тигини унга урди ва натижада шаҳид бўлиб бағишлагувчи ва шафқатли Аллоҳ томон йўл олди. Бу ҳодиса каби ҳижратнинг 853 йили рамазон ойининг ўнинчи кунини (1449 милодий йил 27 сентябрь) содир бўлди».

Самарқанд вилоят Кўшработ туманидаги Кўкшоша қабридаги тошга: «Оламда барқарор сабот кам кўрдим, ҳар битта қувонда мингта гам кўрдим. Бу қўнра равогта қибқанд бормай, йўқлик биваъни сари йўқ кўрдим», деб ёзиб қўйилган.

Қадимий Афросиёбдан X—XI асрларга доир топилган сопол ланганларга араб алифбосида: «Олий ҳўшматлик қалити илмидир», «Илм олишнинг аввали аччик, ниҳоси шириндир» би-

Маданий меросимиздан ОБИДАЛАР — МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Бурқул ўғли, у амир Илангиз ўғли, у амир Ийжил ўғли, у Қорачор Нўён ўғли, уни ва давлатини Аллоҳ-таоло ўз паноҳида асрасин» деб ёзилган.

Шахрисабздаги Амир Темур томонидан 1380—1404 йилларда бунёд этилган машҳур Оқ Сарой деворига: «Қудратимизга шак-шубҳагиз бўлса, биз қурдириг биноларга боқинг!». Яна «Подшоҳнинг адолати — халқнинг бод-саодати» деган ҳикматли сўзлар битилган. Амир Темур мақбараси пештоқидаги лавҳада «Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоннинг қабри, худо уни раҳмат қилсин ва жойи абадий жаннатда бўлсин» деган ёзув битилган.

Уз даврининг моҳир хатотлари қабр тошларига ҳам турли-туман ёзув ва марсиялар битганлар. Соҳибқирон Амир Темур қабр тошида қуйидагилар битилган:

«Бу қабр — Султони аъзам, ҳоқони акрам, осойишталик ва химоя йўлловчиси, Амир Темур «Кўрагон» ибн амир Тарағай, ибн амир Барғул, ибн амир Айлангир, ибн амир Инжили, ибн амир Қоражар Нўён, ибн амир Суғужижини, ибн амир Ирдамчи барлос, ибн амир Кочулай, ибн амир Туманай, сўнгра Чингизхон ибн Амир Есуқай баҳодур, ибн амир Бартан баҳодур, ибн амир Қобилхон, ибн амир Бойсункур, ибн амир Қайду, ибн амир Туманай, ибн амир Бука, ибн амир Бузанжирниқидир...»

Буюк Соҳибқироннинг севиқли набираси Мирзо Улугбек қабр тошига эса шундай сатрлар ёзилган. «Бу нури қабр, шахиднинг олий макони, бу хушбўй боғ юксак турбат ул подшоҳнинг оромгоҳидирки, унинг бунда бўлуви туфайли жаннат боғи мусаффо ва бўстони бахтиёрдир. У марҳум Султон, Халифат қувончи, дунё ва дин қўмақчиси, оромгоҳига Аллоҳ нур ёғдирсин. Улугбек Султондирки, у 796 ҳижрий (1394

тиқларини ўқийсиз. Самарқанддаги Шердор мадрасаси деворларида уни қурдирган Ялғнғ тўш Баҳодир шаънига баландларвоз сўзлар ёзилган: «У шундай мадраса қурдирдики, натижада ер мунабазига етди. Унинг баланд пештоқига тоғ бургути ўз ақл қудрати ва моҳир қанотлари билан йиллаб учса ҳам ета олмайдир...»

Пойтахт Тошкентдаги Кўқалдош мадрасаси дарвозасининг кириш қисми сиркор парчинларида қуйидаги ёзувлар битилган: «Ушбу ажойиб бинони 1246 (1830—1831) йилларда Азим Вали ўғли уста Аваз Мухаммад тузатди». Кейин шундай деб ёзилган: «Бу бино саройи бош қўмондонни Жаҳонгирбек ўғли Шодмонбек раҳбарлигида бежирим қилиб қайта ишланди. Инсон ўлими ҳақ, бироқ унинг қилган ишлари абадий қолади».

Кейин эса: «Қошин ишларини уста Олимжон бақарди», — деб битилган. Аждодларимиз қадим даврлардан бошлаб қоя тошларга, уй-рўзғор ва совғабон буюмларга, саройлар, мадрасалар ва меҳмонхоналарнинг мармар ва сирли қошин устунларига, қабр тошларига ҳам турли шакллар ва ёзувлар, ҳикматли сўзлар, марсиялар, ривоятлар, рубоийлар ва бошқа ёзувлар битганлар. Бу ёзув ва шакллар кишилик жамияти тарзида содир бўлган кўплаб муҳим воқеаларни бизга ҳикоя қилиб беради.

Шунинг учун ҳам ноёб меъморчилик ёдгорликлари, қоя тошлар ва форлардаги ёзувлар ҳамда расмлар халқимизнинг ўтмиш тарихи ва турмушини, унинг руҳиятини чуқур ўрганишига қимматли манба бўлиб хизмат қилади.


Рашид БОЙТУЛЛАЕВ, Нормўмин УТАНОВ.

Журнализмнинг азиз мухлислари, мухтарам ҳамкасблар! «Ўзбекистон матбуоти» журнаliga 2000 йил учун обуна қабул қилиш давом этмоқда.

Журнал таҳририятининг келаси йилга мўлжалланган режалари катта. Келаси йили журнал саҳифаларида оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларнинг ижроси, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришига оид мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, журналистнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида қатор мақола-рларни чоп этиш мўлжалланган. Шунингдек, муштарийларимиз журнал орқали: — мамлакатимизнинг етакчи газети ва журналлари таҳририятлари, нашрийтлари, телевидение ва радио муҳарририятлари, матбаа корхоналари, китоб савдоси шохобчалари жамоаларининг иш

матбуотимиз фахрийлари ҳақида дил сўзлари; — ҳамкасбларимиз ҳақида лавҳалар, таниқли сураткаш-

Журналнинг бу йилги обуна баҳоси бошқа нашрларникига нисбатан жуда арзон қилиб белгиланган. Тошкентликлар учун бир йиллик обуна баҳоси: абсентент кутисига — 510 сўм, уй манзилга — 630 сўм. Журналнинг вилоятлардаги обуна баҳоси ана шу вилоятлар матбуот тарқатувчиларнинг хизмат ҳақидан кезлиб чиқиб белгиланади. Эслатиб ўтамиз, журнал индекси — 883. Обуна «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг барча бўғимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Азиз муштарийлар, вақтни қўлдан бой берманг, ҳаяракат қилинг. Журналимиз чакана савдода сотилмайди. Журналимизга обуна бўлмасин, биз билан йил дач-вомиди ҳамқору ҳамнафас бўласиз. ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.



Обуна-2000 «ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Варрак самолёт ёки вертолёт ўрнини боса оладими? Бир қарашда бу савол эриш туюлади. Лекин самолётдан суратга олиш тўғрисида гап борганда бу тушунарли бўлади-қолади.

Гап шундаки, баъзи ихтирочиларнинг тасдиқлашича, осмонни фалақдан суратга олишда варракдан фойдаланиш фақат иқтисодий жиҳатдан самарали бўлибгина қол-

лар ва мусаввирларнинг асарлари; — миллий матбуотимиз тарихига оид мақолалар, матбуот шарҳлари, хориж сафаридан қайтган журналистларнинг таассуротлари, ҳамкасбларимизнинг шеър ва ҳикоялари, ишчи-деҳқон муҳбирларнинг хат-хабарлари билан яқиндан танишиб борадилар.

лимер фольга, яъни ниҳоятда юпқа зар қозғодан варрак камера ўрнатилди. Варракка пишқиб нейлон аркон боғлаб учирилди. У 12 сонияда тахминан 60 метрча баландга бемалол кўтарилди. Бундай варракнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда самолёт ёки вертолётгаддек тебраниш, титраш рўй бермайди. Шу сабабдан олинган сурат анча сифатли чиқади. Анвар ВАЛИЕВ тайёрлади.

Турфа олам ВАРРАК... ОВУНЧОҚМИ?

май, балки анча қулайлиги ҳам бор экан. Тажриба учун ингичка алюминий най ва по-

ясалди. Унинг ўртасига маълум массафадан радио ёрдамида бошқариладиган фото-

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, қоршама ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209 Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2 Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.